IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934
VOLUME 4, ISSUE 2, 2023

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Каримов Сардор Бойдулла ўғли
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Аннотация

Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган молиявий операциялар миллий иқтисодиётда молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шунингдек, ушбу операциялар хорижий портфелли инвестицияларни жалб қилиш имконини беради.

Мақолада қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган молиявий операцияларни рақамлаштириш имкониятлари асослаб берилгаан.

Калит сўзлар

Қимматли қоғоз, рақамлаштириш, рақамли технология, фонд бозори, акция, облигация, дивиденд, бозор баҳоси, фоиз ставкаси, инфляция, девальвация.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармонии билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида **иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш, и**қтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларни рақамлаштириш асосида ривожлантириш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Г. Мэнкьюнинг фикрига кўра, “кўп ҳолларда фонд бозорига оид шундай таъриф тез-тез учрайди, яъни у хохловчи шахсларга жамғарма қилиш, акция ва облигация бозорида ўз маблағларини қарздорларга бериш имконини берувчи молиявий муассалар йиғиндисидир” [2].

Ушбу таърифда Г.Мэнкью фонд бозорини ушбу бозор иштирокчиларига жамғарма қилиш, акция ва облигация бозорида ўз маблағларини қарздорларга бериш имконини берувчи молиявий муассалар йиғиндиси сифатида эътироф этади.

Хорижлик иқтисодчи олимлар – Ниҳат Актас, Катҳлеэн Андриес, Этторе Сроси, Али Оздакакларнинг илмий изланишларида қимматли қоғозлар бозорини ривожланиши ва унда IPOларни молиялаштириш масалалари тадқиқ қилинган [3].

Уларнинг илмий ишларида асосий эътибор қимматли қоғозларни жойлаштиришда юзга келадиган иқтисодий ва сиёсий рискларни бошқариш, молиявий ресурсларнинг етарлилигини таъминлаш, юқори ликвидли ва юқори рискли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш масалаларига қаратилган.

Ваҳбеэаҳ Моҳти, Андреиа Дионисио, Исабел Виеира, Пауло Ферреираларнинг тадқиқотларида эса, Осиё қимматли қоғозлар бозорининг минтақавий ва глобал интеграллашуви масалалари тадқиқ қилинган [4].

Мазкур иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида қимматли қоғозларнинг бозор баҳоларига таъсир қилувчи омиллар, Осиё давлатларидаги иқьтисодий конъюнктуранинг ўзгаришини ушбу мамлакатлар эмитентлари томонидан муомалага чиқарилаётган қимматли қоғозларнинг бозор баҳоларига таъсири, қимматли қоғозларнинг минтақавий ва глобаллашувининг оқибатлари ва миллий фонд бозорларига таъсири масалалари тадқиқ қилинган ҳамда тадқиқот натижаларига таянадиган илмий хулосалар ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Бёмакеш Дебата, Саумя Ранжан Даш, Житендра Маҳакудлар инвесторларнинг ликвидлиги юқори ва фойдалилиги даражаси катта бўлиши кутилаётган қимматли қоғозлар бозорини тез қидириб топиши омиллари тўғрисида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар [5].

Россиялик иқтисодчи олимлардан А.А.Килячков, Л.А.Чалдаева, В.С.Торкановларқимматли қоғозлар бозори ва биржа фаолиятини такомиллаштириш, қимматли қоғозлар бозоридаги мавжуд молиявий инструументлардан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилганлар [6].

Таҳлил ва натижалар

Қимматли қоғозлар бозорида қўлланиладиган замонавий рақамли технологиялардан бири – бу чекларни конверсия қилиш технологиясидир.

Бунда чеклар электрон транзакцияларга айлантирилади.

Чекларни конверсия қилиш биринчи марта АҚШ амалиётида Федерал захира тизими томонидан ишлаб чиқилган “Check 21”тизими орқали 2004 йил октябрда амалга оширилди [7].

Қимматли қоғозлар бозоридаги рақамли технологиялардан яна бири – бу Digital технологияларидир.

Digital технологиялари банк мижозларига масофавий хизмат кўрсатиш платформаларини яратиш учун қўлланилади.

Digital технологияларининг муҳим ижобий тавсифлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*юқори тезлик;

*амалга оширилган операцияларнинг шаффофлиги;

*банк ва мижоз ўртасидаги мулоқотни таъминлашнинг осонлиги;

*банк харажатларини камайтириши.

Digital технологияларини қўллашнинг асосий тенденциялари бўлиб, банк сервисларини мобил майдончаларга, яъни планшетларга, смартфонларга, ақлли соатларга кўчириш ҳисобланади.

Ушбу технология қуйидаги турдаги молиявий хизматларни кўрсатиш имконини беради:

– нақд пулларни бошқариш;

– электрон узатмалар;

– клиринг операциялари;

– ҳисобрақамларни тўловга тақдим этиш;

– балансга сўровнома бериш;

– пул маблағларини ўтказиш;
– транзакциялар тўғрисидаги маълумотларни талаб қилиш;
– ҳисобрақамларни тўлов учун тақдим этиш;
– ссудаларга сўровлар жўнатиш;
– инвестицион фаолият;
– даромад келтирадиган бошқа хизмат турлари [8].[1].

Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган молиявий операцияларни рақамлаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб, рақамли ва криптоактивлардан фойдаланиш ҳисобланади.

Рақамли актив (digital asset) – бу фақат рақамли шаклда муомалада бўладиган актив ёки бошқа активнинг электрон кўринишидаги шаклидир.

Криптоактив (crypto asset) – бу криптографиядан фойдаланган ҳолда чиқарилган рақамли активдир.

Рақамли токен – бу дастурий таъминотнинг интерфейсидаги ўлчов бирлигидир.

Тақсимланган реестр – бу бир нечта тармоқ бўғинлари ёки ҳисоблаш қурилмалари ўртасида тақсимланган маълумотлар базасидир.

Ҳар бир бўғин бошқа бўғинлардан маълумотларни қабул қилади ва реестрнинг тўлиқ нусхасини ўзида сақлайди. Ҳар бир бўғин реестрга ўзгаришни ўзи киритади ва кейин уни бошқа бўғинларга билдиради.

Реестрни ҳар бир нусхаси бўйича овоз бериш ва розиликка эришишконсенсус дейилади.

Тақсимланган реестрнинг асосий хусусияти – бу ягона бошқарув марказининг йўқлигидир.

Фойдаланувчиларнинг маълумотларини ҳимоя қилишнинг ишончли усулларидан бири бўлиб, хавфсизликнинг аппаратли модулларидан (HSM) фойдаланиш ҳисобланади. Ушбу моделларнинг жисмоний ва логик архитектураси фойдаланувчининг маълумотларини шифрлаш калитларини ташқи хавфлардан ва инсайдерлик хавфларидан ҳимоя қилишни таъминлайди. Бу ерда инсайдерлик хавфлари деганда мазкур сервисларнинг эгалари ва администраторлари билан боғлиқ бўлган рисклар тушунилади.

HSM Wallet шундай ташкил қилинганки, унда барча конфиденцциал ҳаракатлар ҳимояланган қурилманинг ичкарисида амалга оширилади. Ҳар қандай ҳолатда мижознинг операцияларига доир маълумотлар очиқ форматда ташқарига чиқмайди. Бунинг натижасида барча хавфлардан, шу жумладан, компаниянинг ходимлари ва администраторлари билан боғлиқ хавфлардан юқори даражада ҳимояланиш имкони юзага келади.

Агар қурилма бузилиб қолса резерв модуль автоматик равишда ишга тушади.

SupTech технологияси молиявий бозорларда Big Data каби инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда назоратни амалга ошириш имконини берадиган технологиядир. Ушбу технология маъмурий жараёнларни автоматлааштиради, молиявий ҳисоботларнинг шаффофлигини оширади, қимматли қоғозлар бозорида жараёнларни трансформация қилади.

Big Data (Улкан маълумотлар) технологияси жуда катта ҳажмдаги маълумотларни юқори тезликда ва аниқликда қайта ишлаш имконини берадиган технологиядир.

[1]Юденков Ю.Н., Тысячникова Н.А., Сандалов И.В., Ермаков С.Л. Интернет-технологии в банковском бизнесе: перспективы и риски. – М.: КНОРУС, 2016. – С.55.

VOLUME 4, ISSUE 2, 2023

Учта V:
* *Volume* (Ҳажм)
* V*elocity (Тезлик)*
* *Variety (Хилма-хиллик)*


Reg Tech технологияси инновацион технология бўлиб, у молия бозори регуляторининг қарорини амалга ошириш мақсадида самарали, ишончли, хавфсиз иқтисодий қарорни амалга оширади.

Сунъий интеллект технологияси компьютерларни инсон каби фикрлашга ўргатиш технологиясидир. Сунъий интеллект маълумотларни турли манбалардан олади (информатика, математика, лингвистика, психология, биология, машинасозлик) ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармонида ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан мижозларни масофадан аниқлаш тизимларини жорий этиш орқали масофавий банк хизматларини ривожлантириш, битта савдо майдончасида кенг кўламли банк ва банкдан ташқари молиявий хизматларни (қимматли қоғозлар билан операциялар, суғурта ва бошқалар) тақдим этишга йўналтирилган молиявий супермаркетларнинг бизнес моделини яратиш, тижорат банклари томонидан мижозларга масофавий банк хизматлари (интернет-банкинг, банк-мижоз, смс-банкинг ва бошқалар), шу жумладан, мобил иловалар орқали хизмат кўрсатиш кўламини ва сифатини ошириш, электрон тижорат билан шуғулланувчи субъектларнинг товар ва хизматлар учун тўловларини QR тўловлари технологияси ва NFC технологияларини жорий қилиш, жумладан мобил қурилмалар орқали тўловларни қабул қилиш орқали замонавий ва қулай бўлган масофавий усулларда қабул қилиш имкониятини яратиш вазифалари белгиланган [9].

Республикамизда “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонун билан дунё тажрибасидан келиб чиқиб, акциялар қоғоз шаклидан электрон шаклга ўзгарди ва акциядорлар реестрини юритиш функцияси акциядорлик жамиятларидан олиниб, 1999 йилда давлат корхонаси шаклида тузилган Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсига берилди.

“Тошкент” республика фонд биржаси қимматли қоғозлар бозорига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар (Марказий депозитарий, Ҳисоб-клиринг палатаси, иккинчи поғонали депозитарийлар, брокерлик идоралари) билан биргаликда қимматли қоғозлар билан савдо жараёнларини янада такомиллаштириб бориш орқали фонд бозорининг барча субъектлари учун инвестиция манбаларига эркин кира олиш имконини яратиб берувчи ташкиллашган ва доимий фаолият юритувчи қимматли қоғозлар бозоридир.



1-расм. “Тошкент” фонд биржасида амалга оширилган битимлар ҳажми, млрд. сўм[2]

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, “Тошкент” фонд биржасида амалга оширилган битимлар ҳажми 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.


Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корпоратив тузилмаларнинг фонд бозоридаги фаоллигини ошириш мақсадида корпоратив бошқарув сифатини кескин оширишимиз талаб этилади. Умуман, акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этмасдан туриб фонд бозорини ривожлантириш хусусида фикр билдириш бир мунча мураккаблик туғдиради. Корпоратив бошқарув тизимида давлат иштирокини оптимал даражада қисқартириш, акциядорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш талаб этилади.

“Тошкент” фонд биржасида амалга оширилган битимлар сони 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Фонд биржаси фаолиятининг устувор йўналишларидан бири молиявий барқарор жамиятларнинг қимматли қоғозларини янада кўпроқ биржа савдоларига жалб қилиш, уларга қулай ва кам харажатли биржа операциялари орқали инвестиция маблағларини йўналтириш ҳисобланади. 2015 йил 13 мартидан кучга кирган “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунга кўра, биржанинг котировкалаш варағи, яъни биржа листинги тартиб-таомилидан ўтган қимматли қоғозларгина биржа савдоларига қўйилиши белгиланган. Ушбу қонунга мувофиқ ҳамда “Тошкент” республика фонд биржаси савдоси қоидаларига биноан, листинг компанияларининг қимматли қоғозлари доимий котировка қилинади. Бу эса листингдаги қимматли қоғозларнинг бозор баҳосини аниқлаш имконини беради.

[2] Биржевое обозрение за 2022 год//analytics@uzse.uz.

VOLUME 4, ISSUE 2, 2023



2-расм. Ўзбекистон Республикасида акциялар бозорининг капиталлашув қиймати, трлн. сўм[3]

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, республикамизда акциялар бозорининг капиталлашув қиймати 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, акциялар бозорини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Фонд биржасининг бугунги кундаги асосий мақсадларидан бири – республикамиздаги молиявий барқарор ва ликвидли акциядорлик жамиятларини листингга жалб қилишдир. Акциядорлик жамиятларининг расмий биржа листингига киритилиши бу – ушбу жамиятларнинг маълум даражада ишончлилигидан ва молиявий барқарорлигидан дарак беради ҳамда улар тўғрисидаги ахборотларнинг доимий ошкор қилиниб борилиши эса инвесторларнинг инвестиция киритишга бўлган ишончини оширади. Бундан ташқари, акциядорлик жамиятларининг фонд биржаси листингига

Uzbekistan composite index (UCI) бу “Тошкент” Республика фонд биржасининг композит индекси бўлиб, у ўзида биржа котировкалар варағига киритилган акция эмитентларининг умумий ҳолатини акс эттиради. UCI индекси, Ягона дастурий-техник мажмуа (кейиги ўринларда - ЯДТМ) савдо платформаси орқали автоматик тарзда, реал вақтларда амалга ошириладиган савдолар натижасида шаклланадиган нархларга асосан ҳисобланади. Биржа савдо куни давомида тузилган битимлардаги акцияларнинг нархлари хар бири UCI индексга ўз таъсирини кўрсатади. Эмитентларнинг жами капиталлашуви акцияларнинг ёпилиш нархига қараб, яъни савдо кунида амалга оширилган сўнги битим бўйича савдо тизими томонидан ҳисобланади ва шунга кўра UCI индексининг умумий вазнида ўз оғирлиги эга бўлади. Эмитентнинг UCI индексидаги оғирлиги ўзгариши бевосита эмитент капиталлашувига боғлиқ.

2022 йил мобайнида UCI индексида қуйидаги ўзгаришлар юз берди:

*2022 йилнинг 5 январ санасида 1 059,85 бандни кўрсатган UCI индекси 10 феврал санасигача умумий ҳолатда 13,18% га ўсишни кўрсатган. Биржа капиталлашуви ҳам, ушбу саналар оралиғида мос равишда 55,72 трлн сўмдан 64,57 трлн сўмга (+15,89%) ўсган. Ушбу холатда, биржа котировкалар варағида мавжуд бўлган акция эмитентларининг савдо нархи 3,73% га ўсган.

[3] Биржевое обозрение за 2022 год//analytics@uzse.uz.

VOLUME 4, ISSUE 2, 2023

* 2022 йилнинг 10 феврал санасидан 16 февраль санасигача UCI индекси 1 199,53 поғонадан 1 065,64 поғонагача (-11,16%) пасайишни қайд этган. Индекснинг сезиларли даражада пасайишига асосан банк соҳасидаги эмитентларнинг таъсири катта бўлиб, кўрсатилган давр мобайнида “Agrobank” АТБ, “Trastbank” ХАБ ва “Turonbank” АТБ оддий акциялари нархлари мос равишда 36,63%, 42,40% ва 52,00% га пасайшни қайд этган ва биржа капиталлашувининг 11,10% га камайишига олиб келган;

*2022 йил 18 апрелда UCI индекси 1 211,62 кўрсаткичдан, 2022 йил 22 апрелда 737,56 бирликка, яъни, 39,13%га пасайди. Биржа капиталлашуви ҳам мос равишда 151,53 трлн сўмдан 89,95 трлн сўмга тушди. Ушбу даврдаги ўзгаришлар “O'zmetkombinat” АЖнинг оддий ҳамда имтиёзли акцияларининг сони 1 акцияга нисбатан қўшимча 10 та акция чиқарилиши билан кўпайтирилган ва ўз навбатида сўнгги савдо жараёнидаги мазкур акцияларнинг нархига нисбатан ҳисобланганда эмитент капиталлашуви миқдори ЯДТМ тизми томонидан индекс хисоблаш жараёнига ўз таъсирини кўрсатган. Бунда, 14 апрель санасида “O'zmetkombinat” АЖнинг 5,99 трлн бўлган капиталлашуви ҳажми, 15 апрель куни ЯДТМ тизимига қўшимча чиқарилган акциялар сони қўшилганидан сўнг 68,19 трлн сўм сифатида акс эган. Биржа томонидан қўшимча чиқарилган акциялар сонига нисбатан акцияларнинг нархи коррекция қилингунига қадар индекс кўсаткичида сезиларли даражадаги ўсиш қайд этилган (1 211,62). Ўз навбатида “O'zmetkombinat” АЖ акцияларининг нархи 1/11 нисбатда коррекция қилинганидан сўнг капиталлашув ҳажми ва унга параллел равишда индекс кўрсаткичида пасайиш кузатилган. Шундан сўнг, жамиятнинг капиталлашуви 6,82 трлн сифатида биржа маълумотларига мос равишда мувофиқлашган. Шу билан бирга, мазкур даврда яъни 22 апрель куни, “Тошкент” РФБ томонидан биржа листинг шартларига тўғри келмаган (биржа листинг талабларига номувофиқ) ва “Транзит” категориясига ўтказилишига розилик билдирмаган, умумий капиталлашуви 0,7 трлн сўм бўлган 35 та эмитент қимматли қоғозлари биржа котировкалаш варағидан чиқариб юборилган (делистинг) ва шулар таъсирида индекс 737,56 кўрсаткичка пасайган;

* 2022 йил 20 майдан, 3 июн санасигача UCI индексида 732,57 ва 981,84 кўрсаткичлари оралиғида тебранишлар кузатилди.

Бунга асосий сабаб қилиб “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ /KFLT/ нинг оддий акциялари билан бўлиб ўтган савдоларни кўрсатиш мумкин. Юқорида келтирилган саналар давомида эмитентнинг бир дона акциясининг нархи 100 - 1 000 сўмгача бўлган оралиқда инвесторлар томонидан сотилган ҳамда сотиб олинган. Аммо ушби битимлар ҳажми оз миқдорни ташкил этган. Эмитент акциялари билан бўлган савдо натижалари “Тошкент” Республика фонд биржасида қимматли қоғозлар билан савдо қилиш” қоидаларининг XXVI-боб “Қимматли қоғозларни котировка қилиш (нархини аниқлаш) тартиби” тўғрисидаги 136-1 ва 137 бандларида кўрсатилган талабларга (кейинги ўринларда – котировка талаблари) жавоб бермаганлиги учун, ушбу эмитент акцияларига юқорида келтирилган саналар давомида котировка нархи белгиланмаган. Шу сабабдан, эмитентнинг акцияларига оралиқ нарх чегаралари белгиланмаган (спред) ва натижада, эмитентнинг капиталлашуви белгиланган санадаги охирги савдо битимида аниқланган нархи (closing price) бўйича ҳисоблаган ва эмитентнинг капиталлашуви 24 май санасида 35,3 трлн сўмга, умумий биржа капиталлашуви эса (116,17 трлн сўм) 30,38%га ошгани кузатилган. Бу ўз навбатида умумий биржа капиталлашувига яқиндан боғлиқ бўлган UCI индексига ўз таъсирини кўрсатган ва

VOLUME 4, ISSUE 2, 2023

тебранишлар кузатилган (бу ҳолат индексдаги кейинги асосий ўзгаришларда ҳам намоён бўлган) [10].

Хулоса

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган инвестицион операцияларнинг риск даражасининг юқори эканлиги, қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлик даражасининг паст эканлиги, банкларда ресурсларнинг етишмаслиги муаммосининг мавжудлиги, тижорат банкларининг «Ностро» вакиллик ҳисобрақамларида пул маблағларининг етишмаслиги муаммосининг мавжудлиги банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Ўз навбатида, тижорат банкларида ресурсларнинг етишмаслиги муаммоси улар томонидан берилган кредитларни ўз вақтида қайтмаганлиги туфайли чуқурлашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда қимматли қоғозлар бўйича етарлича ва ишончли статистик маълумотлар базаси мавжуд эмас. Бу эса, тараққий этган мамлакатлар банк амалиётида қимматли қоғозлар портфелини бошқаришда кенг қўлланилаётган замонавий усуллардан фойдаланиш имконини бермайди.

Шунингдек, республикамиз тижорат банкларида ҳозирга қадар қимматли қоғозлар портфелини жорий кузатиш муаммоси ҳал қилинмаган.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларида қимматли қоғозларнинг бозор баҳоларини ўзгариш тенденцияларини аниқлаш имконини берадиган индикаторлар тизими шакллантирилмаган.

Инфляция ва миллий валютанинг девальвация суръатини юқорилиги натижасида тижорат банклари томонидан миллий валютада ёзилган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг реал қийматини пасаймоқда.

Таъкидлаш жоизки, замонавий рақамли технологияларни қимматли қоғозлар бозори фаолиятига жорий этилмаганлиги мамлакат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Фикримизча, республикамизда қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган молиявий операцияларни рақамлаштиришни такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш орқали қимматли қоғозлар бозори фаолиятининг самарадорлигини ошириш лозим.

Замонавий молиявий технологиялар қуйидаги учта муҳим ўлчовга эга:

* турли хил етказиб бериш каналлари ва тўлов тизимлари орқали фаолият юритиш ва иқтисодиёт субъектларига хизмат кўрсатиш учун тегишли техник воситалардан фойдаланиш ҳамда шу билан боғлиқ дастурий таъминот замонавий молиявий технологияларининг бир ўлчовидир;

* молиявий хизматлардан фойдаланувчиларни туркумлаш ва молиявий хизматлар бозорини таҳлил қилиш ҳамда муаммоларни ҳал қилиш учун замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилади. Ушбу ўлчов банклар учун маълумотлар омборини бошқариш ва ундан самарали фойдаланиш имконини беради;

* барча турдаги хатарларни миқдорини аниқлаш, ўлчаш, юмшатиш ва бошқариш замонавий молиявий технологияларнинг учинчи муҳим ўлчовини ташкил этади. Ушбу ўлчов

VOLUME 4, ISSUE 2, 2023

кредит хатарини, бозор ҳавфини ва операцион ҳавфни ўлчаш ва бошқариш жараёнини қамраб олади.

2. Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларда Internet Banking ни қўллаш кўламини кенгайтириш керак.

Internet Banking технологияси орқали компания интернет орқали ўз банк ҳисоб рақами бўйича ҳисоб баланси сўровига кириш, тўловларни амалга ошириш, пул ўтказмалари, халқаро пул тўловлари, доимий тартиб ва тўғридан-тўғри дебет тўловларини яратиш ва янгилаш ҳамда сўнгги операцияларни текшириш имкониятига эга бўладилар. компания веб-сайтга шахсий компьютер ёки ноутбук орқали киради ва ҳисоб маълумотларига дунёнинг исталган нуқтасидан кириш мумкин. Интернетда қуйидаги хизматлардан фойдаланиш мумкин;

* ҳисоб баланси бўйича сўров;
* ҳисобварақлар ўртасида пул ўтказмаси,;
* доимий буюртма ва тўғридан-тўғри дебет тўловларини яратиш ва янгилаш;
* пул ўтказмалари;
*, ҳисоб-китобларга умумий нуқтаи, ҳисоб тарихи, кредитни тўлаш, олдиндан тўланган картани тўлдириш ва паролни ўзгартириш.

3. Рақамли молиявий активлардан қимматли қоғозлар бозорида фойдаланиш амалиётини жорий қилиш зарур.

Халқаро банк амалиётида рақамли молиявий активларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

* пуллик талаблар;
* эмиссион қимматли қоғозлар бўйича ҳуқуқни амалга ошириш имконияти;
* ёпиқ акциядорлик жамиятларининг устав капиталида иштирок этиш ҳуқуқи;
* эмиссион қимматли қоғозларни узатишни талаб қилиш ҳуқуқи.

Ҳозирги даврда рақамли молиявий активлар бозори Европа ва АҚШда ҳамда Осиёнинг бир қатор мамлакатларида мавжуд.

Ҳозирча ушбу бозорларда фақат рақамли қимматли қоғозлар билан савдо қилинаяпти. Масалан, Германияда рақамли облигациялар, Хитойда давлат банкларининг облигациялари, Россияда компанияларнинг рақамли акциялари.

2021 йил июнь ойида Лондон фонд биржасининг ва Италия фонд биржасининг листингига никель ва мис билан таъминланган рақамли биржа инструменти қўшилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги//www.lex.uz.

2. Мэнкью Г. Принципы макроэкономики. Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2009. – 544 с.

3. Nihat Aktas, Kathleen Andries, EttoreCroci, Ali Ozdakak “Stock market development and the financing role of IPOs in acquisitions” Journal of Banking & Finance, Volume 98, January 2019, Pages 25-38. (https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0378426618302395).

4. Wahbeeah Mohti, Andreia Dionísio, Isabel Vieira, Paulo Ferreira “Regional and global integration of Asian stock markets” Research in International Business and Finance, Volume 50, December 2019, Page357-368. (https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0275531918309991).

VOLUME 4, ISSUE 2, 2023

5. Byomakesh Debata, Saumya Ranjan Dash, Jitendra Mahakud “Investor sentiment and emerging stock market liquidity” Finance Research Letters, Volume 26, September 2018, Pages 15-31.(https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1544612317304610).

6. Килячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело: Учеб. пособие. 2-е изд., с измен.-М: Экономисть, 2005 г. – 687 с.; ТорхановВ.С.Рынок ценных бумаг и его финансовые инструменты: Учебное пособие. СПб.: АО “Комплект”, 1994 г. – 421 с.

7. Bradford T. Payment Types at the Point Sale. Payments System Research Briefings. – Kansas City, 2006.

8. Юденков Ю.Н., Тысячникова Н.А., Сандалов И.В., Ермаков С.Л. Интернет-технологии в банковском бизнесе: перспективы и риски. – М.: КНОРУС, 2016. – С.55.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармони, https://lex.uz.

10. UZBEKISTAN COMPOSITE INDEX (UCI) индексининг таҳлили//www.uzse.uz.

WORDLY
KNOWLEDGE